

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АВЛИЯКУЛОВ МИРЗООЛИМ АВАЗОВИЧ

**ЎТЛОҚЛАШИБ БОРАЁТГАН ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРДАН ЙИЛ
ДАВОМИДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ЭКИНЛАРДАН
ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**
**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Авлиякулов Мирзоолим Авазович

Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали
фойдаланишда экинлардан юқори ҳосил етиштириш
агротехнологияси..... 3

Авлиякулов Мирзоолим Авазович

Агротехнология получения высоких урожаев сельскохозяйственных культур
при эффективном круглогодичном использовании такыровидных почв с
признаками олуговения..... 19

Avliyakov Mirzoolim Avazovich

Production agrotechnology of obtaining high yields of agricultural crops under a
year-round use of takyr soils with transition to meadow soil type..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АВЛИЯКУЛОВ МИРЗООЛИМ АВАЗОВИЧ

**ЎТЛОҚЛАШИБ БОРАЁТГАН ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРДАН ЙИЛ
ДАВОМИДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ЭКИНЛАРДАН
ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

3

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Qx2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАЙТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мирзажонов Қирғизали Мирзажонович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, академик,

Расмий оппонентлар: Исашов Анваржон
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Арамов Музаффар Ҳошимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__»_____2017 йил соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

4

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича буғдой 220,4 млн. гектар майдонда экилиб, ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 31,1 центнерни ташкил этади ва ғўза 29,2 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 22,8 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси ҳосили етиштирилади¹. Шунингдек, маккажўхори 183,3 млн. гектар майдонда экилиб, ўртача ҳосилдорлиги гектарига 49,0 центнерни ташкил этса, арпа 48,5 млн. гектар майдонда икки фаслли экин сифатида етиштирилади². Оқбош қарам 3,8 млн. гектар майдонда етиштирилади ва ўртача ҳосилдорлик гектарига 18,4 тонна, пиез эса 3 млн. гектар майдонда экилади ва ўртача ҳар йили 54 млн. тонна ҳосил йиғиштириб олинади³.

Республикамизда аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерлардан йил давомида узлуксиз 2-3 мартагача юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш борасида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада 2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни турлари бўйича жами 1,01 млн. гектар майдонга жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизнинг жанубий минтақаларида ўрта, ингичка толали ғўза, кузги буғдой, арпа, маккажўхори, карам, пиёз навларини кетма-кет экиб, юқори ҳосил етиштириш агротадбирлари тизимини янада такомиллаштириш долзарб бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун экинлар турларини тўғри танлаш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва мунтазам ошириш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Яримгидроморф тупроқларда ҳар бир экин тури навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ўсимликнинг сувга бўлган талабини аниқлаш, илдиз тизими тарқалган тупроқ қатламида туз-сув-озика тартибини мақбуллаштириш, суғориш сувини тежаш, уни сифатини ошириш, тупроқни эгат бўйлаб бир текисда намланишини таъминловчи суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни ўтказиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ 1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сон «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹<http://cotcorp.gov.in/shares.aspx>;

²http://www.nue.okstate.edu/Crop_Information/World_Wheat_Production.htm

³<http://www.yara.co.uk/>

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожла-
нишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларда бир даладан икки ҳосил етиштириш, экинларни мақбул суғориш тартиблари ҳамда қисқа навбатлаб экиш тизимини қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича республикамизда С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов, Қ.М.Мирзажонов, А.Э.Авлиёкулов, Р.Орипов, Б.М.Холиқов, М.Хамидов, Б.Мамбетназаров, Н.М.Ибрагимов, И.Массино, М.Х.Арамов ва хорижда М.Perry, Zhang Jin-zhu, Wang Zhen-hua, Von Zabeltitz, Christian, Ram Sharma каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган
илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан
боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг: ҚХА-7-093 «Мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим,

мелиоратив, гидрогеологик шароитларида янги истиқболли ва районлаштирилган ўрта, ингичка толали ғўза навларини парваришlash агротадбирлари тизимини илмий асосlash ва амалиётга жорий этиш» (2009-2011 йй.); ҚХА-9-012 «Янги тизимдаги мелиоратив минтақа гидромодул ҳудудлар бўйича районлаштирилган, истиқболли, янги ўрта, ингичка толали ғўза навларини кўчат қалинлиги, сув-ўғит меъёр-нисбатлари, суғориш тартибларини илмий асосlash ва амалиётга жорий этиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ўтлоқлашиб бораётган суғориладиган тақирсимон тупроқлар шароитида ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларидан йил давомида узлуксиз 2-3 мартагача юқори ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтлоқлашаётган тақирсимон тупроқларда йил давомида узлуксиз ердан самарали фойдаланиш орқали асосий ва такрорий муддатларда экинларни етиштиришнинг тупроқ агрофизик хоссаларига таъсирини аниқlash;

суғориладиган майдонларда ердан йил давомида фойдаланишнинг сизоб сувлари сатҳи жойлашуви, унинг минерализацияси, экинларни суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқда мавсумий туз тўпланиш коэффициенти динамикасига таъсирини ўрганиш;

асосий, такрорий, бошоқли экинлардан сўнг анғизда етиштирилган экинлар экиш муддатлари, уруғ сарфи, мақбул кўчат қалинлигини аниқlash;

6

асосий, такрорий, бошоқли экинлардан сўнг анғизда парваришланган экинларни етиштиришда мақбул тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги ҳамда мавсумий суғориш меъёрларини аниқlash;

суғориш ва озиклантириш тартибларининг қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда бир дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон оғирлиги ва 1 бош қарам ва пиёзбош вазнларига таъсирини аниқlash;

ўрганилган барча қишлоқ хўжалиги экинлари навларида бир центнер ҳосил етиштириш учун сарфланган сув сарфини аниқlash.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар ва ғўзанинг ўрта толали «Бухоро-102», «Бухоро-6», «Бухоро-8», ингичка толали «Термиз-49» навлари, кузги бўғдойнинг «Чиллаки», кузги арпанинг «Болғали» навлари, маккажўхорининг «Нарт», «Ўзбекистон 306АМВ» навлари, оқбош қарамнинг «Шарқия», «Ўзбекистон-133» навлари, пиёзнинг «Сумбула» ва «Зафар» навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тақирсимон тупроқлар, ердан йил давомида фойдаланиш, тупроқнинг агрокимёвий, агрофизик хоссалари, сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси, тупроқдаги мавсумий туз тўпланиш коэффициенти,

экинларни суғориш ва озиклантириш тартиблари, ўсимликнинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ғўза бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Пахта майдонларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари», «Ќўза бўйича дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» услубий қўлланмалари; сабзавот экинлари бўйича В.Ф.Беликнинг «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве», «Овощные, бахчевые культуры и картофель» услубий қўлланмалари; маккажўхори бўйича «Рекомендации по возделыванию кукурузы в условиях орошения Узбекистана», «Методические указания по проведению полевых опытов с кормовыми культурами» услубий қўлланмаларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуги ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жанубий минтақаларнинг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ердан самарали фойдаланиш натижасида ўрта, ингичка толали ғўза, кузги буғдой, арпа, маккажўхори, кечки оқбош қарам, пиёз навларидан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси элементлари ишлаб чиқилган;

тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишни тупроқнинг агрофизик хоссалари, сизоб сувлари сатҳи жойлашуви, минерализацияси ва мавсумий туз тўпланиш коэффициентига таъсири аниқланган;

7

ердан йил давомида узлуксиз фойдаланишда мақбул тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, давомийлиги, мавсумий сув сарфи ва 1 центнер ҳосил учун сарфланган сув меъёри, сув истеъмоли кўрсаткичлари аниқланган;

кўрсатилган тупроқ шароитида қишлоқ хўжалик экинларини мақбул суғориш ва озиклантириш тартибларининг ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги, бир дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон оғирлиги ва 1 дона қарам, пиёз бошлари вазнига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Жанубий минтақаларнинг суғориладиган, тақирсимон тупроқларидан ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, йил давомида узлуксиз самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан йилига 2-3 маротабагача ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнологиялари ишлаб чиқилди. Мазкур агротехнологияларни қўллаш натижасида тупроқ унумдорлиги ошиши, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши яхшиланиши кузатилди ҳамда ғўзадан, кузги буғдой, арпа ва бошқа турдаги такрорий экилган экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобал иқлим ўзгаришлари шароитида суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиб, экинлар изчилликда парваришланганда тупроқнинг агрофизик хусусиятлари, сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси, мавсумий туз жамланиш коэффициентлари, шунинг билан бирга ўрганиладиган зироатлар суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, сув истеъмоли, озиклантириш тартибларини аниқлашга янгидан илмий ёндашувдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиясини жорий этиш эвазига йилига 2-3 маротаба юқори мўл ҳосил етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қонли қондириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланиб, экинлардан юқори ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

тақирсимон тупроқлардан йил давомида ердан самарали фойдаланиб, экинлардан юқори ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнологиялари 2009-2011 йилларда Сурхондарё вилоятининг Термиз, Ангор, Музработ, Қизирик, Шеробод, Қумқўрғон, Денов, Олтинсой ва Жарқўрғон туманлари фермер хўжаликларида ғўзанинг ўрта толали «Бухоро-102» нави 7,1 минг гектар, ингичка толали «Термиз-49» нави 557 гектар, кузги бугдойнинг «Чиллаки» нави 2,0 минг гектар, арпанинг «Болғали» нави 1,01 минг гектар, бошоқли экинлардан бўшаган майдонларга ғўзанинг «Бухоро-6», «Бухоро-8» навлари ҳамда маккажўхори дон ва кўк масса учун Музработ, Термиз туманларида 80 гектар, маккажўхоридан сўнг карам 20 гектар ва пиёз 40 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 12.06.2017 й., 02/20-379-сон маълумотномаси). Бунда бир майдондан йилига 2-3 маротаба ҳосил етиштириш имконияти яратилиб, тупроқнинг унумдорлиги ошиши кузатилган, ўсимлик ўсиши-ривожланиши ва ҳосил тўплаши яхшиланиб,

ғўзадан гектарига 3-5 центнер, кузги буғдой ва арпадан 3-4 центнер кўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИда тузилган махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган ҳамда ҳисоботлар ҳар йили институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги ўтказилган жами 6 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экин майдонларидан йил давомида самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хориж олимлари

9

томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса ва фикрлари батафсил баён этилган. Ғўза, кузги буғдой, арпа, маккажўхори, карам, пиёз навлари парвариши агротадбирлари тизими мажмуи, сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси, тупроқ шўрланишининг ўсимликка таъсири баён этилган. Сўнгги йилларда алмашлаб-навбатлаб экиш тизимларининг тупроқ унумдорлиги, агрокимёвий, агрофизик хусусиятларига таъсири бўйича тажрибалар бажарилган. Аммо суғориладиган тақирсимон тупроқлардан ёз, куз, кеч куз, қиш, эрта баҳор ойларида яъни йил давомида самарали фойдаланиш ва экинлардан юқори ҳосил етиштириш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлиги туфайли ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлигига хулоса қилинди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари**» деб

номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий иқлими, тупроғи, мелиоратив, гидрогеологик шароитлари таърифи, тадқиқот услуги ва тажриба ўтказиш тизими, ўрганилган экинлар навлари тавсифи, тажриба далаларида бажарилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация 2007-2013 йилларда тасдиқланган дастур асосида жанубий минтақа Сурхондарё вилояти (ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС далалари) эскидан суғориладиган ўтлоқлашиб бораётган, механик таркиби ўрта, оғир қумоқ, сизоб сувлари сатҳи 2-3 метр, яримгидроморф, тақирсимон тупроқлари шароитида иккита тажриба тизими асосида иккита далада олиб борилгани диссертация матнида баён этилган.

Сурхон-Шеробод воҳаси уч томондан тоғлар қуршовида бўлиб, жанубий томондан «Амударё» оқиб ўтади. Амал даври давомли, булутсиз кунлар кўп, қуёш радиацияси кучли, об-ҳавоси қуруқ, самарали ҳарорат 5100-5900 °С, илиқ кунлар 234-272 кун давом этади. Воҳа кўпчилик табиий иқлим кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Африка шимолий қисмидан Марказий Осиёда пахта етиштириш минтақаларидан устун бўлиб, МДХ мамлакатлари орасида энг иссиқ ҳудуд ҳисобланади. Воҳанинг иқлими кескин континентал, бу ҳол йиллик, мавсумий, кунлик ҳарорат амплитудасида кўринган ҳолда ҳавосининг ниҳоятда қуруқлиги билан ажралиб туради. Кўп йиллик маълумотларга кўра йиллик ёғинларнинг асосий қисми ёки 52 фоизи ноамал (XI-II) даврларига, 37 фоизи март-апрел ойларига, ёз-қуз (V-X) ойларида ёғингарчилик деярли қузатилмайди. Ҳавонинг нисбий намлиги ўта паст, буғланиш эса жуда катта (20% гача). Ўртача йиллик ҳарорат 16,3 дан 18,6°С гача бўлиб, баъзи йиллари эса 19,2 °С гача кўтарилади. Амал даврида ўртача ҳарорат 23,3°С дан 26,8°С гача ўзгариб туради. Ёз ойларида максимал ҳарорат 46,9 °С дан 50,0 °С гача бўлса, минимал ҳароратлар қиш ойларида -4 °С гача пасаяди.

Жанубий минтақа Сурхон-Шеробод воҳаси иқлими хусусиятлари бўйича иккита қишлоқ хўжалик минтақасига ажратилган. Бўз тупроқлар минтақаси – тоғолди, тоғ этаги пасттекисликлари бунга Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун ва Қумқўрғон туманининг шимолий қисмлари киради. Сахро-чўл минтақаси – пасттекисликлари Қизирик (Бандихон), Жарқўрғон, Ангор, Шеробод, Музработ, Термиз, Қумқўрғон

10

тумани жанубий қисми киради. Тадқиқот йилларида ҳавонинг нисбий намлиги, минимал, ўртача, максимал ҳароратлар йиғиндиси, ёғингарчилик, шамол тезлиги кун, ой, декадалар Сурхондарё гидрометеорология бошқармаси маълумотлари бўйича ҳисоб қилинган. Йиллар бўйича энг паст ҳарорат 2008 йил қишда, энг юқори ҳарорат июн ойи иккинчи декадасида бўлганлиги, 1 апрелда экилган ғўзалар 11 апрелда экилганга нисбатан 30-278 °С гача юқори ҳарорат ўзлаштириши аниқланган.


Дала тажрибаларида қуйидаги илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Тупроқ таркибидаги умумий гумус чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг ҳаракатчан шакллари Гранвалд-Ляжу, В.П.Мачигин усулида, азот, фосфор, калийнинг ялпи миқдорлари И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулларида, нитратли азот – ионометрик асбобда, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида, тупроқнинг механик таркиби М.П.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида, тупроқ шўрланиши сувли сўрим таҳлили орқали аниқланган. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги цилиндр усулида, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа усулида, тупроқнинг дала нам сифими 3x3 м бўлган майдончаларга сув тўлдириш усулида, суғориш олди тупроқ намлиги С.Н.Рыжовнинг термостат тарози усулида аниқланган.

Вўзани суғоришда сув сарфи ва оқова миқдори «Чипполетти», эгатдаги сув сарфи эса «Томпсон» сув ўлчагичлари ёрдамида аниқланган. Вўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар июн, июл, август, сентябр ойларининг биринчи кунида ўтказилган, кўчат қалинликлари мавсум боши ва терим олдида аниқланган, бир дона кўсак, 1000 дона дон, мева вазнлари тарозида тортиш усулида, зироатлар ҳосилдорлиги ҳар бир вариант, қайтариқлардан теримлар бўйича тарозида тортилиб, гектарига центнер ҳисобига айлантирилиб, маълумотларга Б.А.Доспехов усулида математик статистик ишлов берилган.

Диссертациянинг «Тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишни тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири ва сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси ҳамда тупроқ шўрланишининг ўзгариши динамикаси» деб номланган учинчи бобида дастлабки агрокимёвий тафсилоти бўйича гумус миқдори 0-30 см қатламда 0,830%, унинг таркиби чуқурлашгани сари 30-50 см да 0,770%, ялпи азот 0,080, 0,072%, ялпи фосфор 0,125, 0,111%, калий 1,42, 1,42% ни ташкил этган.

Тақирсимон тупроқларда ҳажм оғирлиги суғориш тартиблари бўйича мавсум бошидан ўсув даври охирига келиб зироатлар ва қатламлар бўйича 0,01–0,08 г/см³га ошганлиги, тупроқ сув ўтказувчанлиги ғўзада 0,075, бошоқли экинларда 0,016, маккажўхорида 0,024, қарам, пиёзда 0,037 мм/мин камайганлиги, ЧДНС дастлабки кўрсаткичга нисбатан бутун ротация якунида 0-30, 0-50, 0-70, 0-100 см қатламларда 0,7, 0,8, 0,7, 0,4% ошган (1-расм). Тажриба даласида сизоб сувлари (0,5-2,0, 2-3 м) сатҳи яқин бўлиб, экиш олди заҳира суви берилиши (1400-1600 м³/га) 222 см дан 137 см гача қарийб 75 см ер юзаси томон сув кўтарилган. Суғоришлардан олдин ва кейин сув сатҳи 21-52 см ўзгариб турганлиги, мавсум сўнггида 210-221 см бўлган.



1-расм.

Тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишда тупроқнинг ЧДНС ўзгариши динамикаси, %.

1-жадвал

Вўзанинг «Бухоро-102» ва «Термиз-49» навлари экилган далада сизоб сувлари минерализациясининг суғориш тартибига боғлиқлиги, г/л (биринчи дала)

Вар. т/р	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Тузлар таркиби	Суғоришлар сони				
			1	2	3	4	5
2007 йил							
1	65-65-65, (1-2-1)	Куруқ қолдик Хлор ион	4,087 0,306	4,061 0,252	3,773 0,209	3,303 0,199	- -
2	65-65-65, (1-2-1)	Куруқ қолдик Хлор ион	4,076 0,311	4,044 0,255	3,769 0,197	3,311 0,196	-
4	70-75-65, (1-3-1)	Куруқ қолдик Хлор-ион	4,055 0,292	4,039 0,241	3,751 0,181	3,301 0,196	3,287 0,192
2008 йил							
1	65-65-65, (1-2-1)	Куруқ қолдик Хлор ион	4,044 0,288	4,027 0,239	3,757 0,191	3,507 0,214	- -
2	65-65-65, (1-2-1)	Куруқ қолдик Хлор ион	4,039 0,281	4,028 0,229	3,782 0,187	3,498 0,193	- -
4	70-75-65, (1-3-1)	Куруқ қолдик Хлор ион	4,032 0,267	4,029 0,229	3,709 0,187	3,476 0,193	3,198 0,184
2009 йил							
1	65-65-65, (0-2-1)	Куруқ қолдик	-	4,088	4,112	3,678	-

70-75-65 ^{x)}	220:132:88	(0)1-3-1	760-1040	3770-4670	39,4	107,8
Кузги буғдойнинг «Чиллаки», кузги арпанинг «Болғали» навлари						
80-80-70 ^{x)}	180:108:72	1-4-1	330-520	2720-2790	56,4	47,7
					60,5	45,4
Кузги буғдой анғизида парваришланган ўрта толали «Бухоро-8» гўза нави						
65-65-65 ^{x)}	220:132:88	1-2-1	780-1210	3700-4010	29,1	135,2
Кузги арпа анғизида парваришланган ўрта толали «Бухоро-6» гўза нави						
65-65-65 ^{x)}	220:132:88	1-2-1	780-1210	3700-4010	30,7	127,5
Бошоқли дон экинлари анғизидаги маккажўхорининг «Нарт» ва «Ўзбекистон 306АМВ» навлари						
75-75-60 ^{x)}	220:132:88	1-2-1	790-1030	4740-4840	51,9	92,9
					52,8	91,1
Маккажўхоридан сўнг экилган оқбош карамнинг «Шарқия», «Ўзбекистон-133» навлари						
80-80-70 ^{x)}	200:120:80	6-3-2	290-470	4150-4180	535	7,7
					540	7,9
Маккажўхоридан сўнг экилган пиёзнинг «Сумбула», «Зафар» навлари						
80-80-70 ^{x)}	200:140:60	11-3-2(3)	290-480	5870-6300	500	11,8
					394	14,9

**) Ўтказилган тажрибаларнинг мақбул варианты*

Иккита дала тажрибасида ҳам 2007-2013 йиллар бўйича суғориш олди тупроқ намлиги хатолиги ўртача $\pm 2\%$ дан ошмаган. Барча экинлар навлари бўйича суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал ва мавсумий суғориш меъёрлари диссертацияда батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Асосий, такрорий, бошоқли дон экинларидан сўнг ангида парваришланган экинлар ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида гўзада ЧДНСга нисбатан 65-65-65% суғориш тартибига нисбатан 70-75-65% да 1-3 июнда бош поя баландлиги 6,3 см га, чин барглари 1,1 донага ортиқ бўлиши, суғориш тартиби бироз ошиши пахта ҳосилига ижобий таъсир этсада очилган кўсақлар камроқ бўлиши, бошоқли дон экинларида ЧДНСга нисбатан 75-75-70% суғориш тартибига нисбатан

80-80-70% да бош поя баландлиги 2,9 см, бошоқ узунлиги 0,2 см, битта бошоқдаги бошоқчалар 0,5 дона, битта бошоқдаги дон 1,6 дона кўп бўлган. Мақбул кўчат қалинлиги ғўзанинг ўрта толали «Бухоро-102» навида 102,7-109,9; ингичка толали «Термиз-49» навида 126,1-131,6, бошоқли дон экинлари анғизидаги ғўзанинг «Бухоро-6», «Бухоро-8» навларида 98,2-100,1, 108,3-110,3, маккажўхорида 66,5-67,7, карамда 44,4-46,7, пиёзда 329,5-340,3 минг туп/га, арпанинг «Болғали» навида қишдан олдин 217,0-239,2, баҳорда 190,4-211,9, маҳсулдор поялар 288,3-394,2, кузги буғдой «Чиллаки» навида 212,4-230,6, 188,9-206,0, 288,7-320,1 м²/дона бўлган.

Битта кўсакдаги энг юқори пахта вазни ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида, маъдан ўғитлар (NPK) 220:132:88 кг/га с.х. «Бухоро-102» ғўза навида 6,5-6,8 г, назоратга нисбатан 0,3-0,5 г, ингичка толали «Термиз 49» ғўза навида 3,4-3,5 г, назоратга нисбатан 0,3-0,4 г юқори бўлиши, энг юқори 1000 дона дон вазни ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) меъёрлари 180:108:72 кг/га с.х. назоратга нисбатан «Чиллаки», «Болғали» навларида 3,3-4,6 г, 1,8-2,3 г юқори бўлган. **3-жадвал**

Тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланиб, экинлардан йилига 2-3 маротаба ҳосил етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Экин навлари	Ялпи даромад, сўм, га	1 гектарга кетган харажатлар, сўм га	Шартли соф фойда, сўм га	Қўшимча шартли соф фойда назоратга нисбатан, сўм га	Қўшимча шартли соф фойда назоратга нисбатан, %	Рента беллик, %
Кузги буғдой (назорат)	2611286	1444753	1166533	-	-	80,7
Бир йилда буғдой+макка жўхори	4765827	2893419	1872408	705875	60,5	64,7
Бир йилда Буғдой+макка жўхори+карам	7612008	4372437	3239571	2073038	177,7	74,1
Бир йилда Буғдой+макка жўхори+пиёз	7215416	4212328	3003088	1836555	157,4	71,3

ғўзада суғоришларни эгатнинг учдан тўрт қисми узунлигида 0,45-0,55 л/сек га, сўнгра сув сарфини икки барабар камайтириб 0,22-0,27 л/сек, суғориш сувлари эгат охирига етгач эгатдаги сув сарфини 0,12-0,15 л/сек гача камайтириб, сувни доимий жилдиратиб оқизилиши суғориш сувларининг оқовага чиқмасдан эгатларни бутун узунлигида текис намланишига имкон яратиб қолмасдан, юқори ҳосил олинган. Ўрганилган экинлар бўйича эгат боши яъни 0-30 метрда суғориш давомийлиги 3-4-6 соатгача фарқ қилиши, айниқса бу ҳолат эгат охирида (70-100 м) катталиги, эгат бошида ҳосилдорлик ўртача ҳосилдорликдан 0-30 м ҳамда 70-100 метрдаги фарқи 30-70 м га нисбатан «Бухоро-102» навида 1,8-3,3, «Термиз-49» навида 3,4-6,2, «Чиллаки», «Болғали» навларида 2,7-4,8, 3,0-5,0 ва 2,3-4,3, 3,9-4,6 ц/га юқори ҳосил олинди. Барча экинлар ҳосили диссертацияда баён этилган.

Тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланиб, бир йилда кузги буғдой, маккажўхори, карам, пиёз навларидан 2-3 маротаба юқори ҳосил етиштирилганда рентабеллик даражаси кўшиб ҳисобланса бир йилда кўриладиган фойда ўта юқори бўлиши аниқланди (3-жадвал).

ХУЛОСАЛАР

1. Жанубий минтақаларнинг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларида ҳайдов 0-30, ҳайдов ости 30-50 см қатламларида гумус миқдори 0,830%, 0,770%, ялпи азот 0,080, 0,072%, ялпи фосфор 0,125, 0,111%, калий 1,42, 1,42% га тенг бўлиб, дала тупроғи нитратли азот, билан кам, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан ўртача таъминланганлик даражасида бўлгани билан изоҳланади.

2. Тақирсимон тупроқларда йил давомида илдиз тизими турлича чуқурликда бўлган экинлар парваришланганда тупроқнинг агрофизик хоссалари ўзгариши ижобий бўлиб, ЧДНС дастлабки кўрсаткичга нисбатан бутун ротация якунида 0-30, 0-50, 0-70, 0-100 см қатламларда 0,7, 0,8, 0,7, 0,4% га ошганлиги, тупроқнинг ҳажм оғирлиги мавсум бошидан ўсув даври охирига келиб қатламлар бўйича ўртача 0,01-0,05 г/см³га ошган бўлсада, бутун ротация якунида 0,02 г/см³камайтиши, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мавсум охирида ғўзада 0,075 мм/мин, бошоқли дон экинларида 0,016 мм/мин, маккажўхорида 0,024 мм/мин, карам, пиёзда 0,037 мм/мин га камайтиши кузатилган бўлсада, ротация якунида сув ўтказувчанлиги 0,010-0,042 мм/мин ошганлигини қайд этиш мумкин.

3. Сизоб сувлари сатҳи 2-3 м да жойлашган тақирсимон тупроқларда экиш олди заҳира суви (1400-1600 м³) берилиши туфайли 222 см дан 137 см гача қарийб 75,0 см ер юзаси томон сув кўтарилиши, суғоришлардан олдин ва кейин сув сатҳи йиллар давомида 21-52 см ўзгариши, сизоб сувлари минерализацияси ғўза даласида ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида биринчи суғоришда куруқ қолдиқ 4,032-4,055 г/л, навбатдаги суғоришларда анча камайтиши, охириги суғоришда 3,301-3,482 г/л бўлиши, хлор-иони 0,267-0,292 г/л, охириги суғоришда 0,188-0,214 г/л гача камайтиши,

юқори суғориш тартибларида сув сатҳи яқинлашуви ортиши, минерализация камайиши қонуниятини кузатилганлигини таъкидлаш лозим. Суғориладиган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишда энг кам мавсумий туз жамланиш коэффициенти ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида кузатилиб, МТЖК қуруқ қолдиқ бўйича 1,05-1,18, хлор иони бўйича 1,13-1,17 гача ўзгариши, суғориш тартиби оширилганда МТЖК пастрок бўлиб, сувда эрувчи тузлар камайиши қонуниятини кузатилган. 4. Тупроқнинг ҳисобий қатламлари см ҳисобида ғўзада гуллашгача 0-70, гуллаш – ҳосил тўплашда 0-100, пишишда 0-70, кузги буғдой, арпада найчалашгача 0-50, найчалашдан бошоқлашгача 0-70, пишишда 0-50, маккажўхорида султон чиқаргунча 0-70, султон чиқаришдан то сут пишишгача 0-100, сут пишишдан – тўлиқ пишгунча 0-100, окбош карамда карам боши ўрай бошлагунча 0-50, карам боши ўраш фазасида 0-70, пишиш фазасида 0-50, пиёзда пиёз бошлари тугиш бошлангунча 0-50, пиёз бошлари тугиш фазасида 0-70, пишишда 0-50 см олиниши мақсадга мувофиқ. Механик таркиби ўртача, оғир соз-лойсимон тақирсимон тупроқларида ғўзада суғоришларни эгатнинг учдан тўрт қисми узунлигида 0,45-0,55 л/сек, сўнгра сув сарфини икки баравар камайтириб 0,22-0,27 л/сек, суғориш сувлари эгат охирида сув сарфини 0,12-0,15 л/сек гача камайтириб сувни доимий жилдиратиб оқизилиши суғориш сувларининг оқовага чиқмасдан эгатларни бутун узунлигида бирмунча текис намиқиши, бошоқли дон экинларида эгат бўлаклари бўйича гидромодул ординатлари 0,55-0,65, 0,27- 0,32, 0,14-0,18 л/сек, маккажўхорида 0,32-0,43, 0,15-0,22, 0,11-0,14 л/сек, карам, пиёз навларида 0,26-0,32, 0,13-0,16, 0,09-0,12 л/сек бўлиши мақсадга мувофиқ.

5. Тақирсимон тупроқларда ЧДНСга нисбатан 65-65-65% суғориш тартибига қараганда 70-75-65% тартибида 1-2 июн ҳолатида ғўзанинг бош поя баландлиги 6,3 см га, чин барглари 1,1 донага ортиқ бўлиши, суғориш тартиби юқорироқ бўлганда пахта ҳосили ошсада, очилган кўсаклар камроқ бўлиши қонуниятини кузатилиши, бошоқли дон экинларида ЧДНСга нисбатан 75-75-70% суғориш тартибига нисбатан 80-80-70% да бош поя баландлиги 2,9 см га, бошоқ узунлиги 0,2 см га, битта бошоқдаги бошоқчалар 0,5 донага, битта бошоқдаги дон 1,6 донага кўп бўлиб, анғиздаги ғўза навларида ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида кўсаклар очилиши кечикиб, ҳосилдорлик пасайиши, маккажўхори, карам, пиёз навларида суғориш тартиби юқорироқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

6. Тақирсимон тупроқларда асосий экилган ғўза навларида битта кўсакдаги пахта вазни, энг юқори пахта ҳосили ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида, маъдан ўғитлар (NPK) 220:132:88 кг/га с.х. «Бухоро-102» навида назоратга нисбатан 0,3-0,5 г, 1,6 ц/га, «Термиз-49» навида 0,3-0,4 г, 2,9 ц/га юқори бўлиши, энг юқори 1000 дона дон вазни, дон ҳосили ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 180:108:72 кг/га с.х., назоратга нисбатан «Чиллаки» навида 3,3-4,6 г, 6,0 ц/га, «Болғали» навида 1,8-2,3 г, 6,1 ц/га юқори бўлиши, маккажўхори 1000 дона дон вазни, энг юқори дон ҳосили ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % суғориш тартибида,

маъдан ўғит (NPK) 220:132:88 кг/га с.х. назоратга нисбатан «Нарт» навида 10,8-13,4 г, 7,2-7,7 ц/га, «Ўзбекистон-306АМВ» навида 14,3-21,0 г, 6,8-6,7 ц/га юқори бўлиши, бир бош карам вазни, энг юқори ҳосил ЧДНСга нисбатан 80-80-70 % суғориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 200:120:80 кг/га с.х., назоратга нисбатан «Шарқия» навида 123-126 г, 8,7 т/га, «Ўзбекистон-133» навида 116-119 г, 7,7 т/га юқорироқ бўлиши, 1 та пиёзбош вазни, энг юқори ҳосил ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 200:140:60 кг/га с.х. «Сумбула», «Зафар» навларида назоратга нисбатан 19-22 г, 11,4 т/га, 24-25 г, 6,6 т/га юқори бўлишини қайд этиш мумкин.

7. Юқорида келтирилган мақбул вариантларда 1 ц ҳосил учун сарфланган сув миқдори ғўзанинг «Бухоро-102» навида 96,6-120,8, «Термиз 49» навида 100,3-115, бошоқли дон экинлари анғизига экилган «Бухоро-6» навида 120,5-134,6, «Бухоро-8» навида 132,9-137,5, арпанинг «Болғали» навида 43,9-46,9, кузги буғдойнинг «Чиллаки» навида 47,1-48,3, маккажўхори «Нарт», «Ўзбекистон-306АМВ» навларида дон учун 84,9-102,8, 81,8-101,1, кўк масса учун 7,7-7,8, 6,6-6,8, карамнинг «Шарқия», «Ўзбекистон-133» навларида 7,7-8,0, 7,7-7,9, пиёзнинг «Сумбула», «Зафар» навларида эса 11,7-11,9, 14,5-15,3 м³/ц йиллар бўйича кузатилганлигини қайд этиш мумкин.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқаришга тавсиялар: 8. Ўтлоқлашиб бораётган кам шўрланган сизоб сувлари сатҳи 2-3 м, механик таркиби ўрта, оғир қумоқ тақирсимон тупроқларда асосий экилган ғўза навлари маъдан ўғит (NPK) меъёр-нисбати 220:132:88 кг/га с.х., ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида 4-5 маротаба (0)1-3-1 тизимда суғоришлар ўтказилиши, «Бухоро-102» навида кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га, ҳар галги суғориш 740-1020 м³/га, масумий суғориш меъёрлари 3690-5000 м³/га, суғориш оралиғи 17-33 кун, суғориш давомийлиги гуллашгача 18-25 соат, гуллаш – ҳосил тўплашда 26-36 соат, пишишда 19-29 соат, ингичка толали «Термиз-49» ғўза навида 120-130 минг туп/га, 760-1040 м³/га, 3770-4670 м³/га, 18-31 кун, суғориш давомийлиги 18-24 соат, 25-33 соат, 19-28 соатни ташкил этиши, биринчи суғоришлар 7-25 июн, охириги суғоришлар 10 сентябрдан кечиктирилмаслиги тавсия этилади.

9. Кузги буғдойнинг «Чиллаки», арпанинг «Болғали» навларидан юқори ҳосил олиш учун маъдан ўғит (NPK) 180:108:72 кг/га с.х., кўчат қалинлиги 220-240 м²/дона, ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш тартибида 1-4-1 тизимда 6 маротаба суғорилиб, амал ўсув даврида 330-520 м³/га, масумий суғориш меъёрлари 2720-2790 м³/га, суғоришлар оралиғи 9-21 кун, суғориш давомийлиги найчалашгача 11-15, найчалашдан бошоқлашгача 14-18, пишишда 13-17 соатни ташкил этиши тавсия этилади.

10. Бошоқли дон экинлари анғизиди парваришланган «Бухоро-6», «Бухоро-8» ғўза навларида кўчат қалинлиги 95-100, 100-110 минг туп/га, маъдан ўғит меъёр-нисбати 220:132:88 кг/га с.х., ЧДНСга нисбатан 65-65-

65% суғориш тартибида 1-2-1 тизимда 4 маротаба бир марталик сув меъёри 780-1210 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 3700-4010 м³/га, суғоришлар оралиғи 21-30 кун, суғориш давомийлиги гуллашгача 17-22, гуллаш – ҳосил

17

тўплашда 23-30, пишишда 19-26 соатни, биринчи суғоришлар 3-11 июлда бошланиши, охирги суғоришлар 15 сентябрдан кечиктирилмаслиги тавсия этилади.

11. Бошоқли дон экинлари анғизидаги маккажўхорининг «Ўзбекистон 306АМВ», «Нарт» навларидан юқори дон ҳосили етиштириш учун маъдан ўғит (НРК) меъёр-нисбати 220:132:88 кг/га с.х., кўчат қалинлиги 65-67 минг туп/га, ЧДНСга нисбатан 75-75-60% суғориш тартибида 1-2-1 тизимда, амал сувлари 790-1030 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 4740-4840 м³/га (3730-3840 м³/га, 1-2-0 тизим кўк масса учун), суғориш оралиғи 11-20 кун, суғориш давомийлиги султон чиқаргунча 16-26, султон чиқаришдан сут пишишгача 22-33, сут пишишдан тўлиқ пишгунча 19-30 соат бўлиши тавсия этилади.

12. Маккажўхоридан сўнг экилган кечки оқбош карамнинг «Шарқия», «Ўзбекистон-133» навларидан юқори ҳосил етиштириш учун маъдан ўғит (НРК) меъёр-нисбати 200:120:80 кг/га с.х., кўчат қалинлиги 45-50 минг туп/га, ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш тартибида 6-3-2 тизимда 11 маротаба суғорилиб, бир марталик суғориш меъёри 290-470 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 4150-4180 м³/га, суғоришлар оралиғи 9-15 кун, суғориш давомийлиги эса ўсув даврлари бўйича 10-17 соат бўлиши тавсия этилади.

13. Маккажўхоридан сўнг экилган пиёзнинг «Сумбула», «Зафар» навларидан юқори ҳосил етиштириш учун маъдан ўғит (НРК) меъёр-нисбати 200:140:60 кг/га с.х., кўчат қалинлиги 330-340 минг туп/га, ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш тартибида 11-3-2(3) тизимда 16-17 маротаба суғоришлар ўтказилиб, бир марталик суғориш меъёри 290-480 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 5870-6300 м³/га, суғоришлар оралиғи 8-13 кун, суғориш давомийлиги ўсув даврлари бўйича 7-20 соат бўлиши тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

АВЛИЯКУЛОВ МИРЗООЛИМ АВАЗОВИЧ

**АГРОТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКИХ УРОЖАЕВ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР ПРИ ЭФФЕКТИВНОМ
КРУГЛОГОДИЧНОМ ИСПОЛЬЗОВАНИИ ТАКЫРОВИДНЫХ ПОЧВ**

С ПРИЗНАКАМИ ОЛУГОВЕНИЯ

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2017

19

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Qx2.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на Информационно образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Мирзажонов Киргизали Мирзажонович доктор
сельскохозяйственных наук, профессор,
академик

Официальные оппоненты: Исашов Анваржон
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Арамов Музаффар Хошимович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский сельскохозяйственный институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01. при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99895) 142-22-35;

факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsv.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года.)

Ш.Ж.Тешаев

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждения
учёных степеней, к.с.х.н., старший научный
сотрудник

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению
учёных степеней, д.б.н., старший научный
сотрудник

20

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире используется 220,4 млн. га сельскохозяйственных земель для выращивания пшеницы, средняя урожайность которой составляет 31,1 ц/га. Хлопчатник выращивается на площади 29,2 млн. га, при этом ежегодно производится свыше 22,8 млн. тонн хлопководства¹. Кроме того, на площади 183,3 млн. га ежегодно выращивается кукуруза со средней урожайностью 49,0 ц/га, ячмень как двух-сезонная культура² на площади 48,5 млн. га, белокачанная капуста со средней урожайностью 18,4 т/га на площади 3,8 млн. га, и лук, средняя урожайность которого составляет 54 млн. т/га³ на площади 3 млн. га.

В нашей стране осуществляются крупномасштабные меры по эффективному использованию имеющихся земельных и водных ресурсов для наиболее полного удовлетворения потребностей населения в продовольственной и других видах сельскохозяйственной продукции, а также производства сырья для промышленности, ежегодного получения бесперебойного, двух-трехкратного высококачественного урожая, а также увеличения объемов получаемой продукции. Например, в 2017 г. в республике после уборки зерновых планируется размещение повторных культур на площади 1,01 млн. га.

Для обеспечения продовольственной безопасности в мире особое внимание уделяется эффективному использованию орошаемых земель. Для бесперебойного производства сельскохозяйственной продукции и получения высоких урожаев средне- и тонковолокнистых сортов хлопчатника, озимой пшеницы, ячменя, кукурузы, капусты, лука в южных регионах нашей страны требуется дальнейшее повышение эффективности существующей системы агротехнических мероприятий. При этом важное значение имеет восстановление, сохранение и систематическое повышение плодородия почв путем правильного подбора типов культур, а также эффективное использование имеющихся водных ресурсов. Следовательно, проведение исследований по разработке мероприятий по определению потребности культур в поливной воде, оптимизации водно-солевого и питательного режимов корнеобитаемых слоев почв, повышению водосбережения и повышению качества водопользования, обеспечению равномерного увлажнения почв по всей длине оросительных борозд, исходя из биологических характеристик каждого типа сельхозкультур на полугидроморфных почвах, является актуальной задачей.

Данная диссертационная работа в значительной степени отвечает практическому выполнению задач, поставленных в указе Президента Республики Узбекистан за № ПП-1958 «О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рациональному

¹<http://cotcorp.gov.in/shares.aspx>;

²http://www.nue.okstate.edu/Crop_Information/World_Wheat_Production.htm

³<http://www.yara.co.uk/>

использованию оросительной воды на период 2013-2017 гг.» от 19 апреля 2013 г., за № 3027 «О мерах по размещению в 2017 г. повторных культур на посевных площадях, после уборки зерновых культур, и своевременному предоставлению необходимых материально-технических ресурсов для проведения посевов» от 1 июня 2017 г, и а также в других нормативно правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Рядом национальных ученых, таких как С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов, К.М.Мирзажонов, А.Э.Авлиякулов, Р.Орипов, Б.М.Холиков, М.Хамидов, Б.Мамбетназаров, Н.М.Ибрагимов, И.Массино, М.Х.Арамов и зарубежных, M.Perry, Zhang Jin-zhu, Wang Zhen-hua, Von Zabeltitz, Christian, Ram Sharma проводился широкий спектр научных исследований по изучению вопросов получения двух урожаев в год, оптимальных режимов орошения сельхозкультур, а также повышения плодородия почв в стране путем использования системы севооборота.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по темам: ҚХА-7-093 «Научное обоснование и практическая реализация системы агромероприятий по выращиванию новых, перспективных и районированных средне- и тонковолокнистых сортов хлопчатника в различных почвенно-климатических, мелиоративных, гидрогеологических условиях страны» (2009-2011), ҚХА-9-012 «Научное обоснование и практическая реализация системы густоты стояния, норм орошения и внесения удобрений, режимов орошения новых, перспективных и районированных средне- и тонковолокнистых сортов хлопчатника, районированных по мелиоративным регионам и гидромодульным территориям» (2012-2014).

Целью данного исследования является разработка оптимальных агротехнологий с целью эффективного использования земельных ресурсов и получения двух-трех высоких урожаев сельскохозяйственных культур в год в условиях орошаемых такыровидных почв (с признаками олуговения) южных регионов Узбекистана.

Задачи исследования:

определить влияние выращивания сельскохозяйственных культур в основном и повторном посевах на агрофизические свойства почв в условиях орошаемых такыровидных почв с признаками олуговения при круглогодичном непрерывном эффективном использовании орошаемых земель;

22

изучить уровень и минерализацию грунтовых вод, сезонную динамику темпов соленакопления в почве в результате круглогодичного использования орошаемых земель в зависимости от режимов орошения сельхозкультур;

определить сроки посевов, расход семян, оптимальную густоту стояния растений при основных и повторных посевах, а также на площадях, освобожденных после уборки зерновых культур;

определить оптимальную влажность почв, сроки, количество и продолжительность поливов, а также поливные и оросительные нормы основных и повторных посевов, а также посевов на площадях после уборки зерновых культур;

определить влияние режимов орошения и внесения удобрений на рост и развитие сортов сельскохозяйственных культур, урожайность, а также из расчета на одну коробочку хлопчатника, вес 1000 штук зерен и 1 шт. кочана капусты и головки лука;

определить объем водопотребления для производства одного центнера продукции всех изучаемых сортов сельскохозяйственных культур. **Объектом исследования** являются такыровидные почвы с признаками олуговения,

хлопчатник средневолокнистых сортов Бухара-102, Бухара-6, Бухара-8, тонковолокнистых сортов Термез-49, озимая пшеница сорта Чиллаки, озимый ячмень сорта Болгали, кукуруза сортов Нарт и Узбекистан 306AMV, белокочанная капуста сортов Шаркия и Узбекистан-133, лук сортов Сумбула и Зафар.

Предметом исследования являются круглогодичное землепользование, агрохимические, агрофизические свойства почв, уровень и минерализация грунтовых вод, коэффициент сезонного накопления солей в почве, орошение культур и внесение удобрений, рост и развитие растений и их урожайность.

Методы исследования. В рамках проведения данной исследовательской работы проводились фенологические наблюдения, замеры и анализы, агрофизический, агрохимический анализ почв согласно методике «Методы проведения агрофизических, агрохимических и микробиологических анализов почв на хлопковых площадях», «Методы проведения полевых исследований на хлопковых полях», «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах полевых и вегетационных опытов с хлопчатником», принятых УзНИИХ, для изучения овощных растений использовались методические руководства В.Ф.Белика «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве», «Овощные, бахчевые культуры и картофель», по кукурузе - «Рекомендации по возделыванию кукурузы в условиях орошения Узбекистана», «Методические указания по проведению полевых опытов с кормовыми культурами». Достоверность и точность полученных данных проверялась на основе общепринятой методики «Математическая обработка результатов полевых опытов» Б. А. Доспехова, а также на основе статистической программы SPSS 15 (Statistical Package for Social Science).

23

Научная новизна исследования:

впервые в условиях такыровидных почв с признаками олуговения в южных регионах страны разработаны высокопродуктивные элементы агротехнологии выращивания средне- и тонковолокнистых сортов хлопчатника, озимой пшеницы, ячменя, кукурузы, поздней белокочанной капусты, лука в результате более эффективного использования земельных ресурсов;

